

3-8-2019

THEORETICAL ASPECTS OF ATTRACTING FOREIGN INVESTMENT IN THE ECONOMY OF THE REGION

I.E Kenjaev

Namangan State University Uzbekistan, 100066, Namangan city, Uychi street, 316, ikromk@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Kenjaev, I.E (2019) "THEORETICAL ASPECTS OF ATTRACTING FOREIGN INVESTMENT IN THE ECONOMY OF THE REGION," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019 : No. 3 , Article 8.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss3/8>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THEORETICAL ASPECTS OF ATTRACTING FOREIGN INVESTMENT IN THE ECONOMY OF THE REGION

Kenjaev Ikrom Ergashboevich
Doctorate of Namangan State University
Uzbekistan, 100066, Namangan city, Uychi street, 316
E-mail: ikromk@mail.ru

Abstract: The article discusses and summarizes the scientific theory of attracting foreign investment in the region. On foreign investment given independent author description. Throughout the region, trends in economic development have been identified through foreign investment and important characteristic features have been identified.

Keywords: foreign investment, foreign direct investment, international capital, regional economy, competition.

МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Кенжаев Икром Эргашбоевич¹
¹Наманган давлат университети таянч докторанти
Ўзбекистон, 716019, Наманган шаҳар, Уйчи кўчаси, 316
E-mail: ikromk@mail.ru

Аннотация: Мақолада минтақага хорижий инвестицияларни жалб этишга оид илмий назариялар қиёсий тадқиқ этилган ва умумлаштирилган. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга мустақил муаллифлик таърифи берилган. Хорижий инвестициялар орқали минтақаларнинг иқтисодий ривожланиш йўналишлари белгилаб берилган ва уларни муҳим тавсифловчи белгилари кўрсатилган.

Калит сўзлар: хорижий инвестициялар, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ), халқаро капитал, минтақа иқтисодиёти, рақобат.

Аннотация: В статье рассматриваются и обобщаются научные теории привлечения иностранных инвестиций в регион. На прямые иностранные инвестиции дано независимое авторское описание. Во всем регионе были выявлены тенденции экономического развития за счет иностранных инвестиций и были выявлены важные характеризующие признаки.

Ключевые слова: иностранные инвестиции, прямые иностранные инвестиции, международный капитал, региональная экономика, конкуренция.

Кириш

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёни ва халқаро капитал ҳаракатининг фаоллашиши ривожланаётган мамлакатлар ва минтақалар учун хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун катта истиқболли имкониятлар яратди. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон ҳамда унинг минтақаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш муаммоси унинг янги стратегик устувор йўналишларини ишлаб чиқишни талаб этди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев қайд қилиб ўтганидек, “хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз керак. Биз иқтисодиётимизга

сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага эришиш мумкин”[1].

Бугунги кунда Ўзбекистон ва унинг минтақалари иқтисодиётини таркибий қайта қуриш, рақобатбардошлигини ошириш ва инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш зарурати хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳудудий жиҳатларини тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича махсус тадқиқотларни олиб боришни талаб этмоқда. Жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича кейинги йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар ва эришилган натижалар, миллий иқтисодиётнинг барча даражасида инвестицион жараёнларни фаоллаштириш учун амалий таъсир этувчи омил бўла олишини кўрсатди. Лекин, мамлакатимизга ва унинг минтақаларига жалб этилаётган умумий инвестиция ҳажмида хорижий инвестициялар улуши ҳали ҳам етарли даражада эмас.

Минтақаларга хорижий инвестицияларни жалб этиш муаммосининг илмий-назарий ва амалий аҳамиятининг ортиб бориши ва инновацион ривожланиш йўлини танлаган минтақалар учун унинг самарали иқтисодий механизми мукамал ишлаб чиқилмаганлиги танланган тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини, унинг мақсади ва вазифаларини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг мақсади минтақаларга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос жиҳатлари ва устувор йўналишларини аниқлаш ҳамда уни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Белгиланган мақсадга мувофиқ тадқиқот олдига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий асосларини умумлаштириш ва ушбу жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаштириш вазифаси қўйилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Минтақага хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улар иштирокида ташкил этилган корхоналар фаолиятининг турли минтақавий жиҳатлари қатор чет эллик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий ишларида ўз аксини топган. Жумладан: Р.Вернон[2] ТТХИ жалб этиш билан маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли ўртасидаги боғлиқликни аниқлади, М.Э.Портер[3] тадқиқотлари асосида рақобат устунлигини таъминловчи омиллар тизимини аниқлади, Ж.Даннинг [4] ТМКнинг жаҳон капитал бозорларига кириб боришнинг энг яхши омиллари, ғоялари ва доктриналарини танлаб, уларни бир тизимга бирлаштирди.

Хорижий инвестицияларни ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига жалб этиш билан боғлиқ хусусиятлари рус олимларидан В.К.Бугаев минтақавий тизимнинг очиқлик ва ёпиқлик даражасининг ўзгариши таъсир этувчи омилларни таҳлил қилди[5], Л.В.Давыдова мамлакат ва унинг минтақалари иқтисодиёти ривожланишининг стратегик асосини белгилади [6], Ф.С.Тумусов минтақа ва ҳудуд тушунчаларига таъриф берди [7], Е.Кочерин хорижий инвестицияларнинг белгилари бўйича таснифлаб чиқди [8], Ю.А.Юданов ТМК ташқи савдо фаолиятини таҳлил қилди [9], З.Вдовенко тадқиқотларида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этишда эътибор бериш лозим бўлган жиҳатлар очиб берилган [10].

Ўзбекистонга ва унинг минтақаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва унинг самарадорлигини оширишнинг назарий ва минтақавий жиҳатлари А.Қаюмов,

Ф.Эгамбердиев[11] ва А.Содиқовлар[12], тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келишидаги афзалликлар А.Вахабов[13], Р.Юлдашев Ўзбекистон бўйича ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг транзакцион харажатлари даражаси кўрсаткичини таҳлил қилган[14], инвестицияларни молиялаштириш масалалари Ш.Юлдашев [15], рақобатбардош маҳсулот минтақа туризмни ва инвестицион фаоллигини кучайтириши масалалари О.Ҳамроев, С.Насретдиновларнинг [16] илмий тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган.

Бу тадқиқот ишларида асосий эътибор хорижий инвестицияларнинг мазмун моҳияти ва уни миллий иқтисодиётга жалб этиш масалаларига қаратилган. Бироқ, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг минтақавий ўзига хос жиҳатлари бўйича алоҳида тадқиқотлар олиб борилмаган. Бу барча ҳолатлар мазкур тадқиқотнинг шу мавзуда амалга оширилган бошқа ишлардан тубдан фарқини кўрсатиб беради.

Тадқиқот методологияси

Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий асосларини умумлаштириш ва ушбу жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаштиришдан иборат. Мақолада қўлланган методология минтақаларга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос жиҳатлари ва устувор йўналишларини аниқлаш ҳамда уни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, қиёслаш, гуруҳлаш усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон хўжалигини ривожлантиришда капиталнинг халқаро ҳаракати муҳим аҳамиятга эга, чунки у мамлакатларнинг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқаларининг мустаҳкамланишига олиб келади, уларнинг ташқи савдо айланмаларини оширади, иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради, ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиради, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини, импортёр-мамлакатларнинг техник салоҳиятини ўстиради ва мамлакатдаги бандликни оширади. Лекин жаҳон иқтисодиётида ҳеч бир инвестор бошқа мамлакат ва минтақаларга ўз-ўзидан капитал киритмайди. Бунинг учун хорижий инвесторларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш, уларни айнан шу мамлакатга, минтақага инвестиция киритиши учун қизиқтириш, уларда моддий манфаатдорликни шакллантириш лозим.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ)ни минтақа иқтисодиётига жалб қилишни асословчи бешта назарий қарашлар мавжуд. Уларга қуйидагилар киради:

1. Маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли назарияси;
2. «Учаётган ғозлар» назарияси;
3. Рақобат устунлиги назарияси;
4. Эклектик парадигма назарияси;
5. Инвестицион ривожланиш йўли назарияси.

Маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли назарияси француз олими Р.Вернон томонидан 1966 йилда ишлаб чиқилган [2]. У ТТХИ жалб этиш билан маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли ўртасидаги боғлиқликни аниқлади. Р.Вернон Шимолий Америка корпорацияларининг Ғарбий Европа мамлакатларига Иккинчи Жаҳон урушидан

кейинги даврда товар ва капитал экспорт қилиш орқали бозорларни эгаллаб олиши ҳолатини таҳлил этиш натижасида “маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли” назариясини яратди. Р. Вернон тадқиқотларига кўра корпорациялар товарнинг бозордаги ҳаётийлик цикли босқичига қараб ўз ривожланиш стратегиясини ўзгартиради ва улар қўйидаги йўналишларга асосланади:

- ўз уйида товар ишлаб чиқариш;
- товарни экспорт қилиш;
- ишлаб чиқаришни чет эл бозорларига кўчириш.


Корпорациянинг танлаган ривожланиш стратегияси шакли, унга мос келадиган ишлаб чиқариш харажатлари ва даромадлар нисбатига боғлиқ. Бунда босқичлар 1) инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш босқичи; 2) маҳсулотни етуклик, яъни уни мукамал ишлаб чиқариш шаклланган босқичи; 3) маҳсулотни оммавий тарзда ишлаб чиқариш ва четга сотиш босқичи.

Инновацион маҳсулот босқичида корпорация бозорда ўзининг монопол мавқеидан фойдаланиб вақтинчалик монопол фойда кўради. Бу унга илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига ва маркетинг тадқиқотларига қилинган инвестицияларнинг бир қисмини қоплаш имконини беради. Маҳсулот ўзининг иккинчи – етуклик, яъни уни мукамал ишлаб чиқариш босқичига ўтганда компания бозорда қатор рақобатчиларга дуч келади. Рақобатчилар билан кураш компаниядан катта харажатларни талаб этади ва бу компания иқтисодиётининг ҳолсизланишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун компания аста-секин товарни экспорт қилишга ва унга янги бозорлар топишга ҳаракат қилиши тақозо этилади. Бу вужудга келган ҳолат компаниянинг ташқи иқтисодий экспансия стратегияси, товарни ёки капитални экспорт қилиш орқали амалга ошади.

Маҳсулотни экспорт қилиш корпорация учун товарни иккинчи, етуклик, яъни уни мукамал ишлаб чиқариш шаклланган босқичига хос бўлиб, ишлаб чиқаришни хорижга кўчириш эҳтиёжи эса учинчи, маҳсулотни оммавий тарзда ишлаб чиқариш ва четга сотиш босқичларида вужудга келади. Одатда корпорация товар ҳаётийлик циклининг етуклик босқичида уни экспорт қилишдан кўпроқ манфаатдор бўлса, товарни оммавий тарзда ишлаб чиқариш босқичида капитал экспортидан кўпроқ манфаатдор бўлади. Товарнинг етуклик даврида компания учун рақобат муҳити кучаяди ва жуда ашаддий тус олади. Бу даврда компаниядан рақобатда ғолиб чиқиш учун катта харажатларни талаб этилди. Бу ўз навбатида компанияга маҳсулот бирлигида олаётган фойда ҳажмини камайтиради. Компания учун товар ёки капитал экспорти бу муаммонинг ечими бўлиб, уни ортиқча харажатлардан озод этади.

Агар товар ва капитал муваффақиятли экспорт қилинса, корпорация бизнесдаги ўзининг лидерлигини сақлаб қолади. Шу билан бирга янги бозорда корпорация арзон ишчи кучига ва бошқа ишлаб чиқариш омилларига эга бўлиши натижасида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имконига эга бўлади. Бунда корпорация товарнинг ҳаётийлик циклини қулай тарзда узайтириш имконини қўлга киритади. Корпорация янги бозорда ўз лидерлигини таъминлаб, арзон товарлар ишлаб чиқаришни ташкил қилади, айти пайтда арзон товарни ўз бозорига реэкспорт қилиб, рақобатчиларга нисбатан паст баҳоларда сотиш йўли билан ўз уйида ҳам лидерлигини таъминлайди.

Япон олими К. Акамацу XX аср бошида Япония тўқимачилик саноатининг 40-50 йиллик ривожланишини эмпирик тадқиқ этиш асосида ишлаб чиққан иқтисодий ривожланиш назариясига кўра тармоқнинг иқтисодий ўсишини уч босқичдан иборат бўлишини таъкидлаб ўтади. Биринчи босқичда тармоқ товарга бўлган миллий талабни қондира олмайди. Талабнинг бир қисми импорт ҳисобидан қопланади. Иккинчи босқичда тармоқ ТТХИ жалб этиш ҳисобига ишлаб чиқаришни ривожлантириб, янги корхона ва иш ўринларини ташкил этиб, катта салоҳиятга эга бўлди. Учинчи босқичда тармоқ маҳсулотларни сотиш бозорларини кенгайтиради ва кўпроқ капитал жамғариш имкониятини яратади. Тармоқда ишлаб чиқаришнинг тикланиши мамлакатнинг маҳсулот импортчисидан экспортчисига айланишига олиб келади. Ушбу тадқиқотларга асосан К. Акамацу Япониянинг тўқимачилик саноатида импортни (M), миллий ишлаб чиқариш (P) ва экспорт (X) шаклланишини график орқали ифода этиш, унда ёввойи учар ғозларнинг ҳаракати контурининг вужудга келишини аниқлади.




1-расм. «Учаётган ғозлар» назариясининг иллюстрацияси[17].

P-миллий ишлаб чиқариш, X-экспорт, M-импорт.

Япон олимлари Коджима ва Озава 1985 йили, кейинчалик 1990 ва 1992 йилларда Коджима ТМКни иқтисодий ўсишнинг катализатори сифатида тадқиқ этиб, уларнинг ТТХИ қабул қилувчи мамлакатга нисбатан инвестицион стратегияси йўналишларининг турлича бўлишини аниқлади. Биринчи стратегия савдони ривожлантириш ва иккинчиси савдони ривожлантиришга қарши стратегиядир. Савдони ривожлантиришга йўлланган стратегияга кўра кўпроқ қўшимча даромад олиш мақсадида ТМКлар четга товар ва капитал экспорт қилишади. Антисавдо стратегиясига кўра ТМК ўз уйида рақобат устунлигини таъминлаган ҳолда четга унча катта рақобат устунлигига эга бўлмаган товар ва капитални экспорт қилади. Бундай стратегиядан мақсад ТМК компанияларнинг четдаги бозорни узоқ муддатлар давомида ўзининг таъсир доирасини ушлаб туришга қаратилганидир. Шунинг учун ҳам ТТХИ қабул қилаётган мамлакатлар ТМКларнинг бундай турлича тармоқ инвестицион стратегияларини ўзларининг миллий иқтисодиётини таркибий сиёсатини ишлаб чиқишда ҳисобга олиши лозим. «Учаётган ғозлар» назарияси миллий ишлаб чиқаришни ҳимоя қилишни оқилона ташқи иқтисодий стратегия билан уйғун ҳолда олиб боришни тақозо этади. Ушбу назария мамлакат ёки минтақанинг ташқи дунёдан ажралиб қолишига олиб келмайди, балки хорижий капиталдан минтақа иқтисодиётини тиклаш учун унумли фойдаланишга имкон яратади.

Рақобат устунлиги назарияси. Бизга маълумки, иқтисодий назария фани А. Смит давридан бошлаб рақобат муҳити шароитида фирмаларнинг бозорда рақобат устунлигини таъминлаши учун қатор позициялар бўйича ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, уни эгаллаб олиши зарурлигини исботлади. Бугунги шароит фирмалар учун бундай ҳукмронлик ўрнатиш учун янги имкониятлар ва йўналишларни қидиришга мажбур этмоқда. Бу муаммони 1990 йилда М.Портер «Миллатнинг рақобат устунлиги» асарида [3] ёритиб берди.



2-расм. Портернинг «рақобат афзаллиги бриллианти»[3].

У саноати ривожланган ва экспорт фаолиятида катта натижаларга эришган 10 та мамлакатдаги 100га яқин тармоқлар бўйича ўтказилган кенг кўламли тадқиқот натижаларини баён қилди. М. Портер тадқиқотлар асосида рақобат устунлигини таъминловчи омиллар тизимини аниқлай бошлади. Бунинг учун қуйидаги саволларга жавоб топиш керак эди:

1. Нима учун баъзи корпорациялар хорижий бозорларга кириб боришда бошқаларга нисбатан муваффақиятларга эришди?

2. Нима учун баъзи мамлакатлар қўшилган қиймати юқори бўлган тармоқларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этди бошқа мамлакатлар эса йўқ?

3. Нима сабабдан ТМКлар томонидан амалга оширилган инвестициялар баъзи мамлакатлар миллий компанияларининг технологик самарадорлигини оширишга олиб келди, лекин бошқа мамлакатларда эса саноат модернизацияси амалга олмади?

М. Портер ТМК ва хорижий инвестицияни қабул қилувчи мамлакатлар стратегиялари мавжуд рақобат устунлигидан фойда кўришга асосланганлигини исботлади ва рақобат устунлигининг тўрт йўналишда бўлишини аниқлади:

1. Корпоратив бошқарув устунликлари;
2. Ишлаб чиқариш омиллари устунлиги;
3. Мамлакатдаги талаб (бозор) ҳажми;
4. Кўмакчи ва қўшимча тармоқларга боғлиқ устунлик.

М.Портер ушбу омиллар синтезини «рақобат афзалликлари бриллианти» деб номлади ва улар капитални четга чиқаришнинг муваффақиятини кафолатлашини назарда тутди. Қўшимча омиллар сифатида эса давлатнинг оқилона инвестиция сиёсати ва «омадли вазиятлар»ни келтиради.

М. Портер, капитални четга чиқараётган мамлакат, агар шу капитал реципиент-мамлакатдаги турдош ишлаб чиқариш билан кооперациялашса, барқарор ривожланиши мумкин, дея таъкидлайди. Маҳаллий товар етказиб берувчилар маҳсулот таннархини арзонлаштиради, божхона тўловларини камайтиради ва ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиради. У донор мамлакатларга ТТХИ қабул қилувчи томоннинг имкониятларини ўрганишга ва улар билан хўжалик алоқаларининг кооперацион занжирига қўшилишга даъват этади. М.Портер мамлакатда ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш тармоқларининг мавжудлиги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қабул қилувчи мамлакат учун катта рақобат устунликларни ва имкониятларни яратишини исботлади. Бунинг учун давлат тармоқлар ва секторлар бўйича кластерларни ривожлантиришга тўртки бериши кераклигини таъкидлади. Масалан, мамлакатда замонавий озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, аграр соҳа маҳсулотлари (сут, гўшт, зираворлар, консервантлар ва бошқалар) ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни, шунга мос равишда тегишли ҳажмдаги ўраш ва қадоқлаш ускуналари, замонавий чакана савдо тизими мавжудлигини талаб этади; мамлакатда автомобилсозликни тараққий эттириш учун эса унинг алоҳида қисмлари ва агрегатларини (пластмасса деталлар, двигателлар, аккумуляторлар ва бошқаларни) ишлаб чиқарадиган корхоналарни ривожлантириш зарур бўлади.

М. Портер, капитални четга чиқараётган мамлакат, агар шу капитал реципиент-мамлакатдаги турдош ишлаб чиқариш билан кооперациялашса, барқарор ривожланиши мумкин, дея таъкидлайди. Маҳаллий товар етказиб берувчилар маҳсулот таннархини арзонлаштиради, божхона тўловларини камайтиради ва ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиради. У донор мамлакатларга ТТХИ қабул қилувчи томоннинг имкониятларини ўрганишга ва улар билан хўжалик алоқаларининг кооперацион занжирига қўшилишга даъват этади. М.Портер мамлакатда ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш тармоқларининг мавжудлиги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қабул қилувчи мамлакат учун катта рақобат устунлик ва имкониятларни яратишни исботлади. Бунинг учун давлат тармоқлар ва секторлар бўйича кластерларни ривожлантиришга тўртки бериши кераклигини таъкидлади. Масалан, мамлакатда замонавий озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, аграр соҳа маҳсулотлари (сут, гўшт, зираворлар, консервантлар ва бошқалар) ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни, шунга мос равишда тегишли ҳажмдаги ўраш ва қадоқлаш ускуналари, замонавий чакана савдо тизими мавжудлигини талаб этади; мамлакатда автомобилсозликни тараққий эттириш учун эса унинг алоҳида қисмлари ва агрегатларини (пластмасса деталлар, двигателлар, аккумуляторлар ва бошқаларни) ишлаб чиқарадиган корхоналарни ривожлантириш зарур бўлади.

Эклектик парадигма назарияси 1981 йилда таниқли Буюк Британиялик олим Ж. Дан томонидан тавсия этилди. “Эклектиклик” терминининг танланишига сабаб, Ж. Даннинг ТМКнинг жаҳон капитал бозорларига кириб боришнинг энг яхши омиллари, ғоялари ва доктриналарини танлаб, уларни бир тизимга бирлаштирди.

Ж. Даннинг компанияни жаҳон капитал бозорида намоиш қилиши мумкин бўлган қўйидаги афзалликларини таснифлаб берди:

O – афзалликлари, инвестор компанияларнинг ички салоҳиятига боғлиқ бўлган афзалликлардир. Уларга компаниянинг ҳажми ва бозордаги мавқеи билан боғлиқ афзалликлар, компаниянинг менежменти ва лидерлиги, техник ва технологик, савдо маркаси, ташкилий тузилиш хусусиятлари ва қўллаётган стратегияси каби афзалликлар киради;

I – афзалликлари, байналминаллашув жараёнида ўз товарлари ва ишлаб чиқариш имкониятларини бегона бозорларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан мулкка эгалик қилиш даражаси билан боғлиқ афзалликлардир;

L – афзалликлари, реципиент-мамлакат тақдим этадиган афзалликлар (имтиёзли солиққа тортиш тизими, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда давлатнинг иштироки, инфратузилма хизматларининг кўрсатилиши ва бошқалар).

Эклектик парадигма назариясига кўра, реципиент-мамлакатлар хорижий инвестицияларни жалб этишда фақат ресурсларнинг арзонлигига таянмасликлари лозим. Миллий иқтисодиёт учун зарур хорижий инвестицияларни жалб қилишда ушбу омилнинг ўзи етарли эмас. Шунинг учун асосий эътибор қулай инвестиция муҳитини яратишга қаратилиши керак. Шундай қилиб, эклектик назария фирма бир вақтнинг ўзида барча уч устунликдан фойдалана олган тақдирда хориж бозорида тўғридан-тўғри инвестициялар ёрдамида муваффақиятли иш юритиши мумкинлигини асослаб беради. Масалан, фирма фақат мулкчилик ёки жойлашув нуқтаи-назаридан устунликка эга бўлса, у хорижий бозорда экспорт ёки франчайзинг каби ўзгача хизмат кўрсатиш услубларини қўллаши мумкин бўлади.

Ж. Даннинг концепцияси немис олими И. Штен (1989 й.) томонидан тўлдирилди. У.Ж. Дан томонидан илгари сурилган афзалликлар (O, I, L) асосида компания қандай қилиб экспансия стратегиясини танлашини кўрсатиб беришга ҳаракат қилди. Экспансия стратегиясини танлаш билан боғлиқ муқобил вариантлар учта: лицензияларни сотиш, товар экспорти ва ТТХИ И. Штеннинг таъкидлашича, ташқи иқтисодий экспансия йўлига ўтган ТМК таваккалчилик даражаси паст бўлган йўлни излайди. Агар реципиент-мамлакат L – афзалликларни тақдим этса, ТМК ушбу ҳудудга ТТХИни киритишни афзал деб билади.

Инвестицион ривожланиш йўли назарияси (1994 й.) Ж. Даннинг ва Голландиялик олим Нарулаларга тегишлидир. Ушбу назарияга кўра мамлакатнинг ТТХИ экспорт ёки импорт қилиши, тўғридан-тўғри унинг иқтисодиётининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Мазкур ривожланиш йўли беш босқичдан иборат ва ТТХИнинг мамлакат иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқлигини тавсифлаб беради. Меҳнат сиғими юқори, паст технологияли ишлаб чиқаришга эга ва қазиб чиқариш саноати устун бўлган мамлакатлар, одатда, ТТХИни импорт қилувчи мамлакатлар ҳисобланади (биринчи босқич). Ушбу мамлакатлар капитал сиғими юқори ишлаб чиқариш ва илмий-техника тараққиётини ривожлантиришга ҳаракат қилишлари ТТХИ импортининг ўсишига олиб келади (иккинчи босқич). Агар хорижий капитал импорти рағбатлантирувчи ва экспортга йўналтирилган сиёсат билан қўллаб-қувватланса, мамлакатнинг ўзи ТТХИни экспорт қила бошлайди (учинчи ва қисман иккинчи босқичлар). Тўртинчи босқич ривожланган мамлакатларга хос бўлиб, ТТХИ экспорти уларнинг импортидан юқори бўлади. Бешинчи босқичда ТТХИ экспорти ва

импорти бир-бирини мувозанатлаб туради ва юқори ривожланган мамлакатларга хосдир. Ушбу мамлакатлар барча афзалликларга (O, I, L) эга бўлиб, жаҳонда технологик ва капитал сифими юқори бўлган тармоқларда етакчилик қилишади.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Фикримизча, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга оид назарий концепциялар трансмиллий корпорацияларнинг халқаро инвестиция фаолияти ва уларнинг миллий иқтисодиёт тараққиётига таъсирини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Улардан ўринли фойдаланиш Трансмиллий компания (ТМК)ларнинг иш юритиш стратегияси ва инвестицияларга оид қарорлар қабул қилиш жараёнини ўрганиш орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш учун самарали иқтисодий сиёсат воситаларини қўллашга имконият яратади. Айрим назарияларнинг қоидалари ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатларга бу борадаги сиёсатнинг самарали воситаларини қўллаш ҳамда хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш мақсадида ишлатилиши мумкин. Хусусан, товарнинг табиий ҳаётий цикли назарияси асослари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун масъул давлат органлари ва идоралари томонидан ҳаётий циклларни кенг товар гуруҳлари, тармоқлар ва технологияларга нисбатан глобал даражада қўлланилиши мумкин. Мазкур назария саноатнинг етакчи тармоқлари (масалан, машинасозлик, фармацевтика, юксак технологияга асосланган кимё саноати, тўқимачилик ва енгил саноат) ҳамда илфोर технологиялар (масалан, микроэлектроника, янги материаллар ёки биотехнологиялар) ҳаётий циклининг босқичларини тадқиқ этиш ва мониторингини ўтказишда амалий ёрдам бериши мумкин. Шунингдек, халқаро ишлаб чиқаришга оид эклектик назариясидан тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишда ТМКлар (ишлаб чиқариш технологияси, ташкилий ресурслар ва маркетинг усулларига эгалик каби мулкрий устунликлар) ҳамда миллий иқтисодиётнинг (ички бозорга хизмат кўрсатиш ёки экспорт базаси сифатида фойдаланиладиган жойлашув устунликлари, жумладан кенг ички бозор, малакали ишчи кучи, паст транспорт харажатлари, инвестицияни рағбатлантириш, сиёсий ва макроиқтисодий муҳитнинг барқарорлиги каби омиллар) қиёсий устунликларини мунтазам мониторинг қилиб боришда фойдаланиш мумкин.

ТТХИ тўғрисидаги барча назарияларни тизимли таҳлил этиш шунини кўрсатадики, уларнинг бирортаси ҳам ТТХИ жалб этиш бўйича мутлақ ҳақиқатни ифода этмайди. Чунки барча назариялар алоҳида олганда ТТХИ шаклидаги халқаро капитал ҳаракатининг тор доирадаги жиҳатларини ифода этади холос. Бизнинг ҳулосаларимизга кўра Ж. Даннинг “Эклектиклик назарияси” ва Р. Наруланинг “Инвестицион ривожланиш йўли” назариялари нисбатан кенгроқ ва тўлароқ даражада халқаро капитал ҳаракатидаги иқтисодий муносабатларни ифода этади. Бундан ташқари ушбу назариялар, халқаро капитал ҳаракати билан миллий иқтисодиётнинг шаклланиши жараёни ўртасидаги алоқадорликни мукамал ва аниқроқ ёритади.

ТТХИ тўғрисидаги назарияларнинг амалий қиммати шундан иборатки, улар бизга қуйидаги саволларга асосли жавоб олишга имкон беради: нима учун потенциал хорижий инвестор маълум бир мамлакатни ёки бошқа бир минтақа (сектор)ни танлади? У ёки бошқа шаклдаги инвестицияни амалга оширди – лицензиялаш ва

сотиш, франчайзинг, минитар ёки тармоқлараро қўшма корхона, 100 %ли хорижий инвестицияли корхона кабилар.

Олиб борилган тадқиқотларга ва турли ёндашувларнинг таҳлилига асосан миллий иқтисодиётни ривожлантириш нуқтаи-назаридан, бизнингча, ТТХИни қўйидагича тавсифлаш мумкин: ТТХИ иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий таваккалчиликни минималлаштириш, фойда олиш учун қўшимча имкониятларни яратиш ва инвесторнинг миллий иқтисодиёт чегараларидан инновацион ресурсларни чиқариш орқали, инвестиция объектларига юқори даражада таъсир этиш мавқеига эга бўлиш мақсадида, халқаро капиталларни узоқ муддатларга ажратиш ва ундан фойдаланиш бўйича иқтисодий муносабатларни ифода этади. Ўз–ўзидан равшанки халқаро капитал такрор ишлаб чиқаришнинг барча фазаларида энг муҳим элемент бўлиб ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг минтақавий жиҳатларини тадқиқ этиш асосида қўйидаги илмий хулосалар олинди:

- Ж.Даннингнинг “Эклектиклик назарияси” ва Р.Нарулонинг “Инвестицион ривожланиш йўли” назариялари нисбатан кенгроқ ва тўлароқ даражада халқаро капитал ҳаракатидаги иқтисодий муносабатларни ифода этади. Шу сабабли, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг минтақавий жиҳатларини тадқиқ этишда ушбу назарияларда халқаро капитал ҳаракати билан миллий иқтисодиётни шаклланиши жараёни ўртасидаги алоқадорликни мукамал ва аниқроқ ёритишини ҳисобга олиш лозим.

- ТТХИ иқтисодий ўсишни таъминлаш, таваккалчиликни минималлаштириш ҳамда фойда олиш учун қўшимча имкониятларни яратиш, миллий иқтисодиётга инновацион ресурсларни жалб этиш орқали инвестицион объектларга юқори даражада таъсир этиш имкониятларига эга бўлиш мақсади, халқаро капиталларни қисқа ва узоқ муддатларга ажратиш ва ундан самарали фойдаланишда юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ифода этади.

Фикримизча, хўжалик субъектлари билан миллий иқтисодиёт ўртасидаги халқаро капитал оқимлари ҳаракати шакли бўлган ТТХИнинг муҳим тавсифловчи белгилари қўйидагилардан иборат:

- улушига: ТТХИга, биринчидан, ҳиссадорлик корхонаси томонидан эълон қилинган капиталнинг жами қийматига нисбатан 10-20 %дан кам бўлмаган ҳажмдаги корхона акция пакетини ташқи инвестор томонидан сотиб олиш, иккинчидан, ушбу корхона фаолиятдан олинган ва ҳиссадорлик капиталидаги инвесторнинг улушига мос равишда, фойда қисмининг ҳар қандай репатриациясидан қатъи назар, дивидендлар тақсимлангандан сўнг, фойдани реинвестициялаш, учинчидан, “Она” компания билан ва унинг четдаги филиали ўртасида муносабатларида корхонанинг ички тизимида кредит тақдим этиш ва унга тенглаштирилган операциялар натижасида вужудга келган қарздорликни тартибга солиш жараёнлари киради;

- назорат тури: ТТХИ инвесторга инвестиция субъектига кенг миқёсда таъсир этиш ва ҳаттоки унинг устидан назорат ўрнатиш имконини таъминлайди;

- ажратиш муддати: ТТХИ узоқ муддатларга мўлжалланиб ажратилади;
- ялпи элементлари даражаси бўйича: ТТХИ мажмуали тавсифи (капитални қўшган ҳолда стандарт активлар пакети, технология, бозорларга чиқиш имкониятлари, экологик активлар);
- қўйилиши: ТТХИ ишлаб чиқариш тавсифига эга бўлиб, аниқ маълум бозор стратегиясига ва ишлаб чиқариш технолгиясига йўналтирилган, конкрет янги ёки фаолият юритаётган ишлаб чиқариш.

References

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojatnomas // Xalq so‘zi. 2018 yil 29 dekabr, № 271-272.
2. Vernon R. International trade and international investment in the product cycle // The quarterly journal of economics. – Harvard, 1966. – Volume 83. No.1. – pp. 190-207.
3. Porter M. The Competitive Advantage of Nations. - New York: The Free Press, 1990. – 255 pp.
4. Dunning J., Narullo R. Trade, location of economic activity and the MNE: a search for an eclectic approach. // The International Allocation of Economic Activity / Edited by B.Ohlin and P.O. Hesselborn. – London: Macmillan, 1977. - pp. 395-418;
5. Bugaev V.K. Sistemnye svoystva regiona. Regionologiya №2-2008.-S.10-11.
6. Davydova L. V. Ilminskaya S.V. Formirovaniye strategii razvitiya investitsionnogo potentsiala regiona na osnove otsenki investitsionniyx protsessov //Regionalnaya ekonomika: teoriya i praktika.- №1 (40).-2007.–S. 17.
7. Tumusov F.S. Investitsionniye potentsial regiona: teoriya problema, praktika. 1999. - S.12.
8. Kocherin E. Investitsii: Politika i strategiya dlya SNG investitsii v Rossii №2. 2002.
9. YUdanov YU.A. Inostranniye investitsii v Rossii regionalniy aspekt. M: ME i MO 1999.
10. Vdovenko Z. Politika promiyshlennogo razvitiya v regione. Ekonomist. №3 – 2005. – S.67-73.
11. Qayumov A.A., Nazarova H.M., Egamberdiev F.T. Mintaqaviy iqtisodiyot. – T.: Universitet, 2004. –115 b.
12. Sadiqov A.M. Osnoviy regionalnogo razvitiya: teoriya, metodologiya, praktika. Monografiya. – T.: Iqtisod-moliya, 2005. – 21 s.
13. Vaxobov A.V., Xajibakiev SH.X., Muminov N.G. Xorijiy investitsiyalar. O‘quv qo‘llanma. – T.: Moliya, 2010. – 10 b.
14. YUldashev R.Z. Sovershenstvovanie upravleniya investitsionniym obespecheniem privatizirovanniye predpriyatiy Uzbekistana. Monografiya. T.: 2009. – 210 s.
15. YUldashev SH.G’. Inostrannyye investitsii kak faktor ekonomicheskogo rosta i liberalizatsii natsionalnogo vosproizvodstva Respubliki Uzbekistan. Avtoreferat dissertatsii na soiskanie uchenoy stepeni doktora ekonomicheskix nauk. – T.: 2001. – 37 s.
16. Hamroev O., Nasretdinov S. Investitsion faollikni oshirish –rivojlanishning ustuvor yo‘nalishi. //Bozor,Pul va Kredit. №8. 2008 – 45-48 b.;
17. Paul Fisher «Pryamiye inostranniye investitsii dlya Rossii», Moskva, Finansiy i statistika, 2000.